



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 11-avgust, chorshanba, 87 (23.523)-son

www.zarnews.uz
<https://www.facebook.com/zarnews.uz>
[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳеч нарсара
маҳоратсиз
эришиб
бўлмайди.
Ҳатто ўғри
ҳам маҳорати
бўлмаса, кун
кўролмайди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Жамият ҳаётида маҳаллий Кенгашнинг ўз ўрни бор

10 август куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттиз тўққизинчи сессияси ўтказилди. Сессия ишини Кенгаш раиси, вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошқарди. Депутатлар сессия кун ва иш тартибини тасдиқладилар.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ – ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Дастлаб вилоят судининг 2021 йил биринчи ярим йиллигида вилоятда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти юзасидан суд раиси Олим Ҳайитовнинг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, ҳисобот даврида вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 2328 нафар шахсга нисбатан 1840 та жиноят ишлари кўриб тамомланган.

1700 нафар судланганларнинг 414 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 622 нафарига озодликни чеклаш, 477 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, 165 нафарига жарима жазоси тайинланган. Барча инстанция судларида кўриб тамомланган жиноят ишлари бўйича 200 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинган бўлса, 127 нафар шахс суд залида қамоққа олинди. 13 та жиноят иши бўйича 30 нафар шахс оқланди.

Вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан олти ойда кўрилган маъмурий ишлар бўйича жами 18 миллиард 43 миллион сўм жарима жазоси тайинланди.

2021 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва туманлараро, туман, шаҳар судлари биринчи инстанциясида 17291 та фуқаролик ишлари кўрилди. Шундан 13304 та даъво қаноатлантирилди, 2213 таси рад қилинди, 1131 та ариза қонуний асосларга кўра кўрмасдан қолдирилди.

Ниходан ажратиш билан боғлиқ 3414 та фуқаролик ишнинг 1759 таси қаноатлантирилиб, 1313 таси рад этилди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳамда шаҳар, туманлараро иқтисодий судлари томонидан 6266 та иқтисодий ишлар мазмунан кўрилиб ҳал этилди. Даъвоси қаноатлантирилган ишлар бўйича даъвогар (аризачи)лар фойдасига 291 миллиард 761 миллион сўм ундириш ҳақида суд ҳужжатлари қабул қилинди.

Ахборот юзасидан депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга вилоят суди раисидан жавоб олиб, тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

СОЛИҚЧИЛАРГА ДЕПУТАТЛАР, ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИ ЗАРУР

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомовнинг маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, қўшимча резервларни аниқлаш бўйича бажарилган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги тўғрисидаги ҳисоботида ҳам вилоят иқтисодиёти билан боғлиқ муҳим рақамлар келтирилди.

Давлат бюджети даромадлари 2021 йил иккинчи чорагида 676,1 миллиард сўмни ташкил этиб, белгиланган 744,2 миллиард сўм прогноз 110,1 фоизга ошириб бажарилган. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар бўйича белгиланган прогноз ҳам ошириб (688,7 миллиард сўм) урдаланган.

Қўшимча резервларни аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 17071 та тadbиркорлик субъекти онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими билан қамраб олинди. Тамаки ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи 777 та корхонада маркировкалаш тизими татбиқ этилди. Солиқ тўлашдан қочиш схемаларини қўллаётган субъектларни аниқлаш бўйича ўтказилган камерал солиқ текширувлари ҳисобига 4521 та субъектда 145,2 миллиард сўм солиқларни тўламаслик ҳолатлари аниқланди.

Мисол учун, "PAYARIQ-KLASTER" масъулияти чекланган жамиятида 2020 йил ҳисобот даври учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашини бўйича ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида бюджетга 1 652,6 миллион сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб ундирилган.

Шунингдек, товар моддий бойликларининг инвентаризацияси бўйича ўтказилган сайёр солиқ текширувларида солиқдан қочиш ҳолатлари бўйича 7742,6 миллион сўм молиявий жарималар қўлланилди.

Вилоятда норуда фойдали қазилмалардан фойдаланиш бўйича фаолият белгиланган тартибда ўрганилиб, таҳлил этилиши натижасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 2 август куни "Норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор

қабул қилинди. Мазкур тизимнинг амалиётга жорий этилиши ҳамда солиқ назорати кучайтирилиши ҳисобига бюджетга 12 миллиард сўм қўшимча солиқлар ундирилиши кутилмоқда.

Бошқарма бошлиғи соҳада кузатилаётган муаммолар юзасидан ҳам ахборот бериб, бу борада депутатлар ва жамоатчиликнинг кўмаги зарурлигини таъкидлади. Хусусан, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш соҳасида бугунги кунда 1097 та маҳалладаги 832 мингдан ортиқ солиқ тўловчилар билан ишлашга атиги 141 нафар масъул ходим штат бирлиги мавжудлиги қайд этилди. Иш юкласининг катталиги сабабли ходимлар ўз вазифасини тўлақонли бажаролмаяпти.

Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид чеки берилмаслиги ёки мижознинг ўзи уни талаб қилмаслиги ҳам яширин иқтисодиёт ривожланишига, тadbиркорлик субъектлари орасида носоғлом рақобат муҳити шаклланишига олиб келаётгани таъкидланди.

Шу ва бошқа масалаларда депутатлардан кўмак сўради.

ВИЛОЯТ БЮДЖЕТИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Сессияда вилоят молия бош бошқармаси бошлиғининг маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бўйича ҳисоботи ҳам эшитилди.

Таъкидланишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида умумий даромадлар 1431,1 миллиард сўмга (109 фоиз) бажарилди. Вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлари ҳам 100,4 фоизга ижро этилди. Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари учун 1 триллион 519,1 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди.

Жорий йил 1 июль ҳолатида вилоятда 129337 нафар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчилар бўлиб, ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали 346,7 миллиард сўм маблағ тўлаб берилди.

Ҳисобот даврида вилоят бюджетиде 189,8 миллиард сўм қўшимча маблағлар шакллантирилди.

МАҲАЛЛАЛАРДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР АНЧАГИНА

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи А.Умаровнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборотида таъкидланишича, "Маҳалла-сектор-Халқ қабулхонаси-маҳалла" принципи асосида ҳамкорлик етарли эмас. Хонадонлар тўлиқ қамраб олинмаяпти ёки аниқланган муаммолар вақтида ўз ечимини топмаяпти. Бунинг натижасида оилавий ажримлар сони 2041 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 739 тага ошган. 1048 та оила ажрим ёқасига келиб қолган.

Маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, нотинч оилалар билан ишлашда мутасадди ташкилотларнинг ўрни сезилмаяпти. Натижада, вилоят ҳудудида умумий жиноятчилик 57,8 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятлар 39,45 фоизга ошган. Содир этилган қотиллик жиноятларининг 42,9 фоизи оила-турмуш муносабати доирасига тўғри келади.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари"га киририлган оилалар маҳаллий Кенгашлар сессиялари қарори билан дафтардан чиқарилган бўлса-да, айрим ҳудудларда жараён нотўғри ташкил этилгани юзасидан мурожаатлар кўпаймоқда.

Шунингдек, жойлардаги Нурунийлар масканларидан фойдаланиш масаласида ҳам муаммолар юзага келаётгани, "намунали" деб топилган маҳаллалар моддий рағбатлантирилмаётгани қайд этилиб, бу каби муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Сессияда йил дастурининг жорий йил июль ойидаги ижроси ҳақидаги, "Фахрий мураббий" орденига номзодларни танлаб олиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш бўйича вилоят танлов комиссияси томонидан тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этишга оид, шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, Кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.



Соғлиқни сақлаш бошқармасидан хабар беришларича, кунлик эмлаш кўрсаткичлари бўйича вилоятимизда (кунига 115,5 мингдан зиёд доза) республикада энг яхши кўрсаткич қайд этилган.

Жами эмлашлар бўйича эса тўртинчи ўринни банд этмоқда.

Шу кунгача 1 миллиондан ортиқ самарқандлик коронавирусга қарши эмланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Самарқанд шаҳри, Абдурахмон Жомий кўчаси, 63-уй.

Сайловчилар сони – **2 376 413 нафар.**

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

2. Сайлов округлари кесимида кўрсатилган сайловчилар сони 2021 йил 9 август ҳолатига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

2021 йил 9 август

(Қарорнинг Самарқанд вилоятига тегишли қисми чоп этилмоқда)

3. НИЗАМХОДЖАЕВ

24 **О'ZBEKISTON**
OKTABR 2021-YIL SAYLOVI
PREZIDENTI

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов кодекси 9-модда

Индаллосини айтганда...

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти универси-
тети ректори, профессор:

— Савияси баланд мутахассис сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. Яхши уруғ ношуд деҳқон кўлига тушса, унинг унишидан умид қилмаса ҳам бўлади. Талаба учун қанча шароит яратилмасин, унга етарли билим берилмаса, ўқитувчининг билими талабани қониқтирмаса, унинг фанга бўлган қизиқиши сусаяди, иқтидор алангаси сўнади.



«**Бир шикоят изидан**»

Булунғурда ер ва сувнинг ҳисоби йўқми?

Тахририятимизга Булунғур тумани Ниёзмат маҳалласида яшовчи Раббимқул Юсуповдан шикоят аризаси келди.

– Бу ер аввал экин экадиган жой эмасди, 2019 йил фарзандларим билан ерни яхлит ҳолга келтирдик, ариқ-зовурлар ерни қаздик, лекин бошқа фуқаролар келиб ерни ҳайдаб экин экишди, - дейди Р.Юсупов. – Шундан сўнг 2020 йил 17 декабрда шу ерда деҳқон хўжалиги ташкил этиб, рўйхатдан ўтказиш учун Булунғур тумани ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилдим. Туман кадастр идораси ходимлари деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашидан хулоса олиш кераклигини айтишди. Кенгашдан хулоса олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида тўлов қилиш керак экан, уни ҳам тўладим. Энди ерни ўлчаб қонуний қилиб беринглар, десам улар "Ер жанжалли экан", деб ишни пайсалга солишди. Чунки мен фарзандларим билан очган ва анча маблағ ва меҳнатимиз кетган ерда икки йилдан буён бошқа фуқаро ўзбошимчилик билан экин экиб келмоқда. Унинг ўзбошимчилик билан эгаллаган майдони 80 сотихни ташкил қилади. Ахир деҳқон хўжалиги 80 сотих бўлиши мумкинми?

Бу масалада Булунғур тумани прокуратурасининг ўрганишлари натижасида менинг еримга эгалик қилиб келаётган фуқаронинг номига чиқарилган суд қарори сохта эканлиги аниқланиб, туман ҳокимининг 2008 йил 12 сентябрдаги қарори бекор қилинди. Лекин шундан буён ҳам кадастр идораси ходимлари ерни ўлчаб беришмади. Биз шу ер учун икки марта ҳужжат тайёрладик, лекин кадастр ходимлари ишни пайсалга солишди. Улар ишига масъулият билан ёндашганида масалага қонуний ечим топилган бўларди. Энди эса Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги фармони асосида ерни аукционда сотиб олиш белгиланди. Ариза билан мурожаат қилганимга 8 ой бўлди, лекин улар яқинда чиққан фармонни рўқач қилишмоқда. Туман кадастр идорасининг ҳаракатсизлиги тўғрйли оиламиз билан меҳнат қилиб очган еримиздан қуруқ қолаверамизми?

(Давоми 2-саҳифада).

Қонун янги таҳрирда қабул қилинди: ўзгаришлар бор

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари- ни рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутшини эътиборга олган ҳолда кейинги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳаси изчиллик билан ислох қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Маж- лисга Мурожаатномасида ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишдаги ис- лохотлар изчил давом эттирилиши таъкидланган эди.

Ана шу эътибор туфайли қонунчиликда сермахсул ва самарали натижаларга эришилмоқда. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг давоми сифатида 12 январь куни Президентимиз бир қатор қонунларни имзолади. Бу қонунларда суд тизимини кескин ислох қилувчи ўзга- ришлар мустаҳкамланган.

Суд қарорларини қайта кўриш институти тако- миллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган қонунлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

2021 йил 18 февралда қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон қонунчилиги тарихида бўлмаган янгиликлар жорий этилди. Хусусан, ривожланган давлатлар юрис- дикциясида турли кўринишларда муваффақиятли қўл- ланиб келинаётган дастлабки эшитув, кўрсатмаларни мустаҳкамлаб қўйиш, айбига икромлик бўйича келишув каби амалиётлар, миллий қонунчилигимизга, қолаверса, миллий менталитетимизга мослаштириб ишлаб чиқилди.

2021 йил 27 апрель куни Президентимиз томони- дан имзоланган янги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим янгиликлар сирасига кирази. Чунки мазкур қонунда бутунлай янги тартиблар мустаҳкамланган.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг давоми сифатида “Суд- лар тўғрисида”ги янги қонун Қонунчилик палатаси то- монидан 2021 йил 15 июнда қабул қилинган эди. Сенат томонидан эса 2021 йил 26 июнда маъқулланди ва 28 июлда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Қонун судларнинг тузилмаси, туман (шаҳар), туманлараро, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Олий суд, суд хайъатлари, Олий суд Раёсати ва Пле- нуми ваколатлари доирасини назарда тутди.

Ҳужжатда судьялик лавозимига номзод ва судьяга қўйиладиган талаблар, шунингдек, судьяларни, суд- ларнинг раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби батафсил кўриб чиқилган.

Суд тизимида ташкилий-таркибий ўзгартришлар назарда тутилган. Судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари ва тартиби, судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари қатъий белгилаб қўйилди.

Қонун 14 боб, 101 моддадан иборат бўлиб, унинг ҳар бир моддаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўзида акс эт- ган масала бўйича конкрет ечим, аниқ кўрсатма беради.

1-моддада Ўзбекистон Республикасида суд ҳоки- мияти қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларидан, си- ёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти фақат судлар томонидан амалга оширилади. Ҳеч қайси бошқа органлар ва шахслар суд ҳокимияти ваколатла- рини ўзлаштириб олишга ҳақли эмас.

4-модда “Суднинг асосий вазифалари” деб ном- ланган. Унда мустаҳкамланишча, суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартно- маларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги

халқаро ҳужжатларда қафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ва якка тартибдаги тadbиркорлар- нинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қонуннинг асосий жиҳатларига эътибор қа- ратамиз. Унга кўра, барча судларда ишлар очик кўри- лади. Ишларни ёпик суд мажлисида кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, омма- вий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси зали- да қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистонда суд ишларини юритиш ўзбек тили- да, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланади.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас.

Шу билан бирга, Олий суд қўйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

35 ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги белгиланди.

Судья биринчи марта 5 йиллик муддатга, навбат- даги 10 йиллик муддатга ва лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда сайланади ёки тайинланади.

Олий суд судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқо- ри ёши 70 ёшни, бошқа судлар судьялари учун – 65 ёшни ташкил этади.

Уй-жойга муҳтож бўлган судья маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тар- тибда, суд жойлашган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминланади.

Судья унга доимий яшаш учун белгиланган тар- тибда турар жой берилгунга қадар турар жой ижара- си (иқтисомчи ижараси) билан боғлиқ харажатлари компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

Ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган даврда ёхуд бошқа иш берилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Судьяларга уларнинг ваколатлари муддати туга- ганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишга ёки тайинланишга қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Суд ҳокимияти мустақил, суд тизими мукамал, судья ижтимоий, моддий ва маънавий ҳимояланган бўлсагина адолат тантана қилади. Ушбу қонунда ай- нан шу муҳим масалалар ечими мустаҳкамланган.

Олим ҲАЙИТОВ, Самарқанд вилояти суди раиси.

Қайси давлатда бўлмасин саноат соҳаси ҳақида гап кетганда иқти- содиётнинг муҳим соҳаларидан бири сифатида қаралади. Негаки, саноат ривожланиши пировардида кўплаб янги иш ўринлари ярати- лиши, четдан валюта кириб келиши ва бошқа йўналишлар равнақи- га бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, юртимизда ҳам соҳа риво- жига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳўш, шундай бир шароитда Самарқандда саноат салоҳияти қай ҳолатда? Шу ва бошқа саволлар билан вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод ШАКАРБОЕВга мурожаат қилдик.

– Айни пайтда вилоятимизда 7753 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда, – дейди Д.Шакарбоев. – Мазкур корхона- лар томонидан жорий йилнинг январь-и- юнь ойларида 9 триллион 492,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бунда озик-овқат маҳсулотлари 3319,4 миллиард сўмини, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари 2388,1 миллиард сўмини, металлургия маҳсулот- лари 641,3 миллиард сўмини, электротех- ника ускуналари 151,9 миллиард сўмини, чарм-пойабзал маҳсулотлари 114,9 милли- ард сўмини ва бошқа саноат маҳсулотлари 2877,3 миллиард сўмини ташкил этади.

– Шу ўринда соҳанинг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ва пандемия- дан олдинги давр билан солиштир- ганда қандай ҳолатда эканлигини ҳам айтиб ўтсангиз.

– Ярим йиллик яқунларига кўра, вилоят иқтисодиётида саноатнинг улуши 14,7 фоизни, ишлаб чиқариш индекси эса 108,1 фоизни ташкил қилмоқда.

Келинг, содда ва тушунарли бўлиши учун пандемиядан олдинги давр ва ўтган олти ойдаги ишлаб чиқаришни киши бошига қанчадан тўғри келгани билан солиштирайлик. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврида 1 миллион 927 минг сўмини ташкил этган. Жорий йилнинг би- ринчи ярим йиллигида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион 394 минг сўм бўлди. Яъни, пандемиядан олдинги даврдаги кўрсаткич қайта “забт” этилиб, саноат ишлаб чиқаришида ўсиш кузатишмоқда.

ЧАРМСАНОАТИМИЗ ЯХШИ ЭМАС

– Вилотимизда саноатнинг қайси йўналиши яхши ривожланган? Қайсики, муайян йўналишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорни тўйинтириш билан бирга хорижда ўз харидорларини топиб улгурган.

– Албатта, саволга жавоб беришдан олдин саноатнинг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича кенг имконият- лар яратилганини алоҳида қайд этиш ло- зим. Негаки, турли бюрократик тўсиқлар- нинг қисқартирилиши, ер ажратиш, экспортга чиқариш ва бошқа йўналиш- ларда берилган имтиёз ва преференция- лар соҳа равнақида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг натижасида йилдан-йилга ви- лотимизда саноатнинг барча йўналиш- лари ривожланиб бормоқда. Хусусан, гилам ва гилам маҳсулотлари, тайёр тикув-трикотаж ишлаб чиқариш ва ме- ва-сабзавотни қайта ишлашни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Рақамларга келадиган бўлсак, фақат- гина 2020 йилда қиймати 917 миллиард сўмлик 31,8 миллион квадрат метр гилам

Самарқанд саноати салоҳияти бугунги кун талабларига мосми?



ва гилам маҳсулотлари, 358,9 милли- ард сўмлик 43,7 миллион дона тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шунингдек, 962 миллиард сўмлик 107 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланган. Асосийси, 22,5 миллион долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари, 15,7 миллион долларлик тайёр тикув-три- котаж ва 31,8 миллион долларлик қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ду- нёнинг 20 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинган.

– Барибир саноатнинг барча йўна- лишлари бирдек мавжуд салоҳият ва имконият даражасида ривожла- няпти, деб бўлмайдику...

– Тўғри айтдингиз. Бу биринчидан мантиқан ҳам тўғри бўлмайди. Қолавер- са, муайян соҳада объектив ва субъек- тив сабаблар билан ўсиш, ривожланиш кузатилмайди.

Шу маънода бугун терини қайта ишлаш саноатида ҳал этилиши керак бўлган ма- салалар бир талай эканлигини қайд этиш мумкин. Негаки, вилоятда йилгига ўртача 1,5 миллион дона тери хом ашёси етишти- рилса-да, унинг 200 минг донаси қайта ишланмоқда. Бундан ташқари, болалар ва аёллар учун сифатли чарм оёқ кийимлари ишлаб чиқариш талабга нисбатан бор-йўғи 4,2 фоизни ташкил этмоқда.

55 ТА ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНАДИ

– Балки янги саноат лойиҳалари ишлаб чиқиш, соҳада тadbиркорлар- ни қўллаб-қувватлаш ишлари етар-

ли бўлмаётгандир. Айрим йўнали- шларда мавжуд имконият ёки талаб даражасида маҳсулот ишлаб чиқа- римлаётгани шу омил билан боғлиқ эмасми?

– Бу фикрингизга қўшилмайман. Нега- ки, жорий йилда фақат Ургут туманининг ўзида 5 гектар майдонда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга икти- сослашган кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Келгуси йилларда вилоятнинг бошқа туманларида 20 гектар майдонда мазкур йўналишдаги кичик саноат зона-

Самарқанд саноати салоҳияти бугунги кун талабларига мосми?

лари фаолияти йўлга қўйилади.

Аслида жорий йил саноат тармоғини ривожлантириш бўйича 1627,9 миллиард сўмлик 275 та истиқболли лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Бунда 162 турдаги (шундан 55 та янги турдаги маҳсулот) йилгига 993 миллиард сўмлик тайёр ва ярим тайёр саноат маҳсулотла- рини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Хусусан, йилгига 5,6 минг тонна ўсимлик ёғи, 4 минг тонна ип калава, 2,9 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари, 15 минг тонна гипс, 288 минг тонна асфальт, 6,8 минг дона машиий техникалар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, янги турдаги 8,8 минг тонна гипс картон учун картон қоғоз, 500 дона ТМГ русумли трансформаторлар ва 32 минг дона биометал радиаторлар тайёр- ланади.

Тахлилларга кўра, ўтган 6 ойда 340,1 миллиард сўмлик 75 та лойиҳа, шундан 19 таси муддатидан аввал ишга туши- рилди. Ушбу корхоналарда 42,8 милли- ард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосийси, 913 та янги иш ўринлари яратилди.

– Суҳбатимиз сўнгига Самарқанд саноати салоҳиятини янада ошириш боридаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Вилотимизда саноатни ривожлан- тириш бошқа соҳалар билан узвий олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш ло- зим. Мисол учун, соҳада юқори қўшилган қиймат улушини ошириш, тайёр маҳсу- лотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича жорий йилда умумий майдони 210 гектар бўлган 88 та кичик саноат зо- налари ташкил этилди. Бундан ташқари, барча туманларда “Ургут” эркин икти- содий зонасининг филиаллари ташкил этилмоқда.

Умуман, 2021-2023 йилларда қиймати 2 583,8 миллиард сўмлик 30 та саноат кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунда бошқа тар- моқлар билан бевосита боғлиқ бўлган озик-овқат, енгил ва курилиш материал- лари саноати асосий ўрин эгаллайди.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

Булунғурда ер ва сувнинг ҳисоби йўқми?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аслида Раббимқул Юнусовнинг ўғли Фазлиддин Раббимқуловга Бу- лунғур тумани ҳокимининг 2019 йил 23 октябрдаги 2642-сон қарори билан туманининг Чўянтёпа массивидаги 384- дала контуридаги 0,3 гектар кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер таркибидан ижара шартлари асосида ёнгокзор барпо этиш учун 10 йил муд- датга ер участкаси ажратиб берилган- ди. Аммо Булунғур тумани прокурори- нинг 2020 йил 10 декабрдаги протести асосида туман ҳокимининг қарори бекор қилинган. Чунки ер ресурслар- и ва давлат кадастри туман бўлими томонидан фуқаро Ф.Раббимқулов- га ер участкасининг чегараларини жойининг ўзида ўрганиш ишлари олиб борилмасдан ҳудуддаги сойнинг устки қисмидаги ер участкасига харита чоп этиб, ер майдони чизилган. Ҳужжатга имзо, муҳр босилган, аммо ҳозирда бу ер участкасида бошқа фуқаро уй-жой қуриб, яшаб келмоқда. Ваҳоланки, Ф.Раббимқуловга деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиладиган ер участ- каси ҳудуддаги сойнинг устки қисми- дан эмас, балки сойнинг ички қисми- дан белгиланиши лозим эди.

Ер кодексининг 31-моддасига асосан “Юридик ва жисмоний шахс- ларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойининг ўзида чегаралар белгилан- ганидан, ер участкасининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб,

ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади”. 32-моддада ер участкасининг плани, ер участкасининг чегаралари жойининг ўзида белгиланиши ва шу модданинг 2-бандида “ер участкаси- нинг чегаралари жойининг ўзида ва хари- таларда дастлабки тарзда белгилаш, ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади” деб белгиланган. Бу ерда туман кадастр идораси ходимлари қо- нунга зид равишда, жойига чиқмаган ҳолда харита тайёрлаб беришган. Бу лоқайдлик муаммонинг илдиз отишига замин яратган.



– Фуқаро Фазлиддин Раббимқу- ловга 30 сотих майдонда деҳқон хўжалиги юритиш учун қарор чиқа- рилганди.Лекин қонунчиликка зид ҳолатлар бўлганлиги учун прокура-

тура томонидан протест келтирилиб, қарор бекор қилинди ва ер захирага олинди, – дейди кадастр агентлиги Булунғур тумани бўлим бош инспек- тори Олим Аҳмедов. – Шундан сўнг турмуш ўртоғи Гулчехра Мамасидико- ва номидан шу ерда деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ариза берилди. Шу ер учун бошқа фуқаролар томонидан ҳам ариза берилган. Бироқ ер низоли бўлганлиги туфайли ҳозирда туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган. Президентимизнинг 2021 йил 8 июн- даги фармонида асосан август ойидан бошлаб ер олиш янги тартибда амал- га оширилади.

Туман прокуратурасининг маълумот-

ларига кўра, ҳокимнинг 2008 йил 12 сентябрдаги қарори билан “Чўянтёпа” агрофирмасининг 2002 йилдаги де- шифровкадаги харитасининг 26-дала контури, яъни ҳозирда амалда бўлган



хаританинг 384-дала контуридаги сойнинг ички қисмидан 0,30 гектар ер майдони деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган. Шунингдек, 2007 йил 31 январда шу агрофирманинг эски дешифровкадаги харитасининг 21-дала контуридан, амалдаги хари- танинг 360-дала контуридан деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,25 гектар ер майдони Р.Юсуповга ажратилган. У 15 сотих майдонни ҳам ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани учун Жомбой туманлараро фуқаролик суди томо- нидан 2010 йил 11 октябрда ортиқ- ча эгалланган майдондан чиқариш бўйича қарор чиқарилган. 384-дала контуридаги сойнинг ички қисми хо- зирда 0,80 гектардан ортиқ. Бу ерда бошқа фуқаролар ҳеч қандай ҳужжат- ларсиз, солиқ ва бошқа тўловларни тўламаздан, оқар сувдан фойдаланган ҳолда турли экинлар экиб олишади. Бундан ташқари, туман прокурату- раси маълумотларига кўра, биргина

“Чўянтёпа” агрофирмаси ҳудудидаги деҳқон хўжаликлари фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғриси- даги кодекси 74-моддасида (сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоида- ларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш барава- ригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача мик- дорда жазима солишга сабаб бўлиши белгиланган. Кодекснинг 65-моддаси (Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш)да фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансаб- дор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача микдорда жазима солиниши белгиланган.

– Кишлоқ хўжалигида фойдала- нилмайдиган ерлардан туман ҳоки- мининг қарори асосида фуқарога

деҳқон хўжалиги ажратиб бериш тўғрисида қарор чиққандан сўнг ер- нинг эгалик ҳуқуқи вужудга келади, – дейди фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенга- ши мутахассиси Озод Облоқулов. – Деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун бизнинг ташкилотимиздан ташқари яна соҳага дахлдор бир нечта ташки- лотлар ва махсус комиссиянинг ҳам хулосаси олинади. Бу каби улгурил- маган ҳолатлар яна ўрганиб чиқилади. Лекин Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги фармони асосида август ойи- да Низом ишлаб чиқилгандан кейин бу борадаги ишларга тўлиқ аниқлик киритилади. Ҳозирча ҳар қандай ер олиш ишлари очик аукцион орқали амалга оширилиши белгиланган.

Масъулларнинг жавоблари ҳам мавҳум бўлди. Амалдаги тартибга кўра, сувли майдонларда 6 сотих- дан 50 сотихгача майдонда деҳқон хўжалиги ташкил этишга рухсат берилди. Яъни 80 сотих сувли ерда битта деҳқон хўжалиги ташкил этиш имконсиз. Бу ерда эса шунча майдон назоратсиз, сув ва ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, йиллар даво- мида ҳеч қандай тўловларсиз фой- даланилмоқда. Бу туманда ернинг эгаси йўқлигидан далолатми ёки ер, сув ресурсларини назорат қилувчи ташкилот ходимларининг лоқайдли- гининг оқибатими?

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Тадбиркорлар ҳам аҳолининг бўш пул маблағини жалб этиши мумкин

Жорий йил 1 майдан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вазифа ҳамда ваколатлари Молия вазирлигига ўтказилди. Молия вазирлигидида Капитал бозорини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, унинг вилоятлар бўйича ҳудудий вакиллари фаолияти йўлга қўйилди.

2020 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”- ги қонун талабларига мувофиқ 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”-ги Қонун 28-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, фақатгина тижорат банклари эмас, масъулияти чекланган жамиятлар ҳам аҳолининг бўш пул маблағларини қабул қилиб олиши мумкин. Бунинг эвазига корпоратив облигацияда белгиланган фоизларни ҳар чорақда тўлаши, эмитентлар айланма маблағларини қупайтириш билан бирга ишлаб чиқариши, ўсиши ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобига аҳолининг даромадини оширишга хизмат қиладиган қулайликларга эга бўлди.

Капитал бозоридидаги қулайликлардан тадбиркорлар, масъулияти чекланган жамиятлар иштирокчилари самарали фойдаланиб, молиявий саводхон бўлган мутахассисларни жалб қилади. Корпоратив облигациялар чиқарилишини йўлга қўйиш билан бирга эмитент ўз фаолиятини юритишда айланма маблағларга эҳтиёж сезмайди. Яъни, инвесторлардан пул маблағларини бевосита рўйхатга олинган шартномалар асосида қабул қилиб олади ва облигацияда белгиланган фоизда инвесторларга даромадлар тўланишини таъминлайди.

Жорий йилнинг май ойида департаментнинг вилоят ҳудудий вакили миноритар акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, эмитентларнинг бошқарув органи билан ўзаро амалий мулоқотлари орқали капитал бозори фаолияти бўйича хато ва камчиликларни бартараф қилиш имкониятини яратди. Шунингдек, судларга даъво ариза



киритиш ёки давлат бошқаруви органларига мурожаат қилиш эмас, балки акциядорлар биринчи навбатда вақтдан ҳамда тўланадиган дивиденд пули инфляция даражасидан тўғри ва самарали фойдаланишлари учун акциядорлик жамияти бошқаруви органларига мурожаат қилади. Уларга амалий кўмак бериш ҳамда эмитентлар бошқарув органларига ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри тушунириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилганлиги оқибатида миноритар акциядорларга кечиктирилган дивиденд тўловлари тўланишига замин яратилди.

Масалан, жорий йилнинг май ойида вилоят бўйича 9 та акциядорлик жамияти, яъни “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ, “Ўзқилоқэлектр қурилиш” АЖ, “Митан пахта тозалаш” АЖ, “Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ, “Янгикўрғон пахта тозалаш” АЖ, “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖ, “Жума элеватори” АЖ, “Самарқанд мармар” АЖ ҳамда “Каттакўрғон пахта тозалаш” АЖ бошқаруви томонидан 591 минг 366 дан ортиқ акцияларга 258 миллион 475 минг 825 сўм миқдоридаги 2012-2021 йилнинг ўтган даврида тўланмаган дивиденд тўловлари 387 нафар jisмоний ва юридик шахсларга даромад сифатида тўланди.

Норбой ЖўЛМАТОВ,
Капитал бозорини ривожлантириш департаменти вилоят ҳудудий вакили.

Самарқанд шахридаги 65-умумий ўрта таълим мактабида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева шахардаги мактаблар ва ўқитувчилар муаммолари, ота-оналарнинг мурожаатларини эшитиш мақсадида сайёр қабул ўтказди.

- Фарзандим 2015 йилнинг январь ойида туғилган, уни шу йил мактабга бермоқчиман, аммо мактабга қабул қилмаяпти, - деди Феруза Нажибаева.

- Янги тартибга кўра, бу йил 1-синфга етти ёшга тўлган, 2014 йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар туғилган болалар қабул қилинади, - деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи. - Шунинг учун фарзандингизни 1-синфга қабул қилолмаймиз. Мактабга қабул бўйича электрон платформа яратилган, унга бола ҳақидаги маълумотлар жойланган, ёши

"Мактаб ёшига етмаган болангизни тайёрлов курсига беринг"

кичиклиги маълум бўлади. Шунинг учун сиз ҳозирча болангизни мактабга тайёрлов курсларига беринг.

Самарқанд шахри мактабларининг энг оғриқли муаммоси бола сони мактаб сифидан ортиқлигидир. Сайёр қабулда айрим мактаб директорлари шу масалани кўтариб чиқди. Масалан, 48-умумий ўрта таълим мактаби директорининг айтишича, мактаб 1000 ўринга мўлжалланган. Унда қарийб 2500 ўқувчи таълим оляпти. Синфлар етишмагани боис 300-450 нафар ўқувчи 49-умумий ўрта таълим мактабига бориб ўқишга мажбур бўлмоқда. Мактаб ҳовлисида қўшимча бино қуриш учун жой бор, агар маблағ ажрати-либ, қўшимча бино қурилса, ушбу муаммо ҳал

бўлади. Сайёр қабулда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига 23 та мурожаат тушди. Шундан 4 таси ижобий ҳал этилди, 11 та мурожаат бўйича тушунтириш берилди. Мурожаатларнинг асосий мазмуни болани мактабга жойлаштириш, мактабдан мактабга кўчириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари ва қўшимча бино ҳамда спорт залларига эҳтиёж ҳақида бўлди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи янги ўқув йили бошлангунига қадар барча туманларда сайёр қабуллар ўтказишни режалаштирган.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Уй-жой ижара шартномаси қандай расмийлаштирилади?

- Нурободданман. Олий ўқув юртига ўқишга кирганлигим сабабли, шахарда оилам билан бирга яшаш учун ўқиш жойимга яқин ҳудуддан ижарага квартира олоқчиман. Уй-жой ижара шартномаси ҳамда уни тузиш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.

Аслиддин БАРАТОВ,
талаба.

- Уй-жойни ижарага бериш шартномаси Фуқаролик кодексининг 603-моддасига мувофиқ ёзма шаклда тузилади. Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Ижарага берувчи сиз (ижарага олувчи)га доимий яшаш учун яроқли бўш уй-жойни бериши лозим. Ижарага берувчи ижарага берилган турар жой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, сиз (ижарага олувчи)га ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатиши ёки хизмат кўрсатилишини таъминлаши, кўп квартиралли уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулкни ва турар жой биноси таъмирланишини таъминлаши керак.

Шунинг баробарида сиз (ижарага олувчи)нинг ҳам мажбуриятларингиз мавжуд. Жумладан, уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиш, уй-жойнинг сақланишини таъминлаш ва уни яхши ҳолда тутиш, ижара берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуриш ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмаслиги, уй-жой ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи коммунал хизматлар ҳақини мустақил тўлаши Фуқарлик кодексининг 607-моддасида белгиланган.

Нилуфар НАБИЕВА,
Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус стажёри.

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Jomboy don mahsulotlari» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 10 сентябрь куни соат 09:00 да жамият маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:

1. Жамият кузатув кенгаши аъзоси Н.Ж.Жумаев ўрнига П.Ш.Алиаровни тайинлаш;
2. Фақат комиссия аъзоларига ўзгартириш киритиш;
3. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни юридик шахс тугатилганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга

бўлган акциядорлар реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 10 август куни ва навбатдан ташқари умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 6 сентябрь куни белгиланган.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 10 сентябрь куни соат 08:00дан 09:00 га қадар давом этади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вакиллари қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: 66-240-71-71.
Жамиятнинг электрон почта манзили: jomboydon_aj@mail.ru

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммедова Умида Маҳмудхонова нотариал идорасида марҳум Урумбаев Халматга (1996 йил 14 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммедова Умида Маҳмудхонова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Курчатов кўчаси, 9-«В» уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Нурматов Каюм Ачиловичга (2021 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Адашев Шерали Муродовичга (2019 йил 5 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Уматов Комилжон Холаевичга (2012 йил 28 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно

Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.**

БЕКБОР ҚИЛНАДИ

Ургут туманидаги 63-ўрта мактабдан 1999 йилда Очилова Гавҳар Махматкуловна номига берилган О'Р-А № 609252 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Мирзаева Ла-тофат Бозоровна номига берилган О'Р-А № 1075146 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабидан 1980 йилда Исмоилова Ашур Исамовна номига берилган № 983241 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Нурматов Фахриддин Уринбоевич номига берилган О'Р-Ш № 0256034 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2018 йилда Даминова Дилобар Муродullo кизи номига берилган руйхат рақами 284, В № 961291 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 116-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Камолов Асадбек Зоид ўғли номига берилган UM № 0154685 рақамли умумий ўрта таълим

психолог, ижтимоий таъминот соҳаси мутахассислари, беморнинг яқин кишилари биргаликда иштирок этади. Мамлакатимизда шифохоналик шифохоналарда даволаниш жараёнида аввало, абстиненсия ҳолатидан чиққан беморни тинчлантиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, беморнинг умумий қувватини тиклаш ишлари амалга оширилади. Наркотикнинг зарарли таъсири, уни қабул қилмасдан яшаш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар суҳбатлар асосида беморлар онгига сингдирилади.

Гиёҳвандлик умр заволи эканлигини барчамиз биламиз. Кўпчилик бу ҳасталикни даволашнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайди. Аввало, бу йўлга кирмаслик лозим, уни даволашга эътиборсизлик эса инсонни йўқлик сари етаклайди.

Бахтиёр КУДРАТОВ,
Воҳид МУРОДОВ,
Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббий маркази вилоят минтақавий филиали шифокорлари.

Манзил: Жомбой тумани Жомбой шахарчаси, Буюк ипак йўли кўчаси, 1-уй. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. ******* Нуробод туманидаги «NUROBOD JAVOHIR STROY SERVIS» масъулияти чекланган жамиятининг (СТІР: 305513267) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. *******

Самарқанд туманидаги 33-ўрта мактабдан 1989 йилда Бурхонова Лола Азамовна номига берилган Д № 848333 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. *******

Пайарик туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Шарипов Орзимурад Фарҳодович номига берилган U № 1911985 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. *******

Паст Дарғом туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Арслонова Руфина Арслоновна номига берилган UM № 0966800 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети мактабига таълим факультети жамоаси факультет декани, профессор Бахтиёр Ҳайдаровга отаси **Тожи ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Самарқанд давлат университети жамоаси ноорганлик кимё ва материалшунослик кафедраси мудири, кимё фанлари номзоди, доцент **Зиёдулла НОРМУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Ҳожи мулла Али АҲМЕДОВ


“Ўзбекистон-Эрон” дўст-лам ва маданий алоқалар жамияти Самарқанд бўлими аъзоси, фаол диний тарғиботчи Али Аҳмедов 95 ёшида вафот этди.

Али Аҳмедов 1926 йилда Самарқанд шахрининг Беш-ғужум маҳалласида зиёли оилада дунёга келди. Унинг отаси Аҳмад Абдурасул ўғли диний илмда шайх даражасига етган уламолардан бўлиб, Панжоб мадрасаси мударриси вазифасида хизмат қилган. Ёш Али илк саводни отасидан олди. 1931 йилда Аҳмад отага турли диний айбловлар қўйилиб, бутун оила Мирзачўлга сургун қилинди. Шу сабабли Алининг болалиги йиғитлик даври қулоқликда ўтган. У Мирзачўлда тўлиқсиз ўрта маълумот олди.

Оила 1947 йилда Самарқандга қайтган, уй-жойи мусодара қилинганлиги учун ижарада яшади. Ҳаёт кийинчиликларини эрта бошдан кечирган Али консерва заводида ишга кирди. 1949 йилдан 1986 йилгача “Самарқанд нон комбинати”дан дўконларга нон ташиди. Ишдан бўш вақтида асарличилик ва деҳқончилик билан шуғулланди. Отасидан диний билимларни ўзлаштирган йигит мустақил равишда Шарқ алломалири ва жаҳон файласуфлари ижодини мукамал ўрганди.

1989 йилда Панжобдаги мадраса биносини таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлди. Унинг ташаббуси билан Панжоб мавзесидаги Мир Ҳасан масжиди ободонлаштирилди ва биринчи жамоат намози ўқила бошланди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган кунларида Али Аҳмедов



маданий-маърифий ҳамда жамоат ишларига киришди. Халқ депутатлари Богйша-мол тумани Кенгаши депутати сифатида ўзининг маънавиятга доир маърузалари билан халқ орасида, меҳнат жамоаларида халқимизнинг тинч ҳаёти ва меҳнатини таъминлаш, миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатди. Али бобо Панжоб масжидини янгидан қуриш ташаббускорларидан бири бўлиб, унинг биринчи имом-хатиби сифатида фаолият юритди. 2000 йилдан умрининг охиригача лаҳзаларигача Мурод Авлиё масжидининг имом-хатиби, имом ноиб вазифасида меҳнат қилди. Али ҳожи Аҳмедов умрининг сўнгги кунларигача “Ўзбекистон-Эрон” дўстлик ва маданий алоқалар жамияти Самарқанд бўлимининг аъзоси сифатида намуна кўрсатди. Беш нафар фарзандини аждодларига муносиб, юрт қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялади.

Доим эл ардоғида бўлган, фаол жамоатчи Али Аҳмедовнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

САМАРҚАНД
ШАХРИДАГИ
БЕКМАҲАЛЛА
МАҲАЛЛАСИ
ФАОЛЛАРИ.

Халиям вакцинага ишонмаётганлар учун...

Zarnews.uz сайтида «Аҳолининг коронавирусга қарши эмланиши мажбурий тарзда амалга ошишига қандай муносабатдасиз?», деган савол билан ўқувчиларимизга мурожаат қилдик. Афсуски, иштирокчиларнинг катта қисми, яъни 41 фоизи «Эмлаш ихтиёрий бўлиши керак», деган жавобда тўхталяпти. «Мажбурий эмланиш тўғри, деб ҳисоблайман» деганлар 35 фоизини ташкил қилади. 19 фоиз иштирокчи эса «Бу мавжуд эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиши керак»лигини маъқул кўрган бўлса, 5 фоизи «билмадим», деган.

Статистик маълумотлардан ташқари ижтимоий тармоқларда ҳар куни ковиддан вафот этаётган, нафақат ёши улуг, балки ҳали навқирон кишиларнинг ҳам борлиги киши қалбини ларзага солади. Эҳтимол ажал, деймиз ёки ер юзига келган бало, деб куюниб қўямиз. Аммо ўзини эҳтиёт қилмаслик, берилган имкониятдан фойдаланмаслик ҳам шундай ҳолатларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлмаяптими-кан? Афсуски, юқоридаги сўров натижаларини кўриб, барибир савол қаршисида қолавердим. Одамларнинг кўп қисми ҳамон вакцинани мажбурлаш шарт эмас, дейишмоқда, демакки, вакцинага ишонмаётир. Ваҳоланки, яқинда ўқидим, ковидга чалинаётганларнинг 98 фоизи вакцина олмаганлар экан.

Тўғри, нафақат бизда, балки дунё миқёсида вакцина олаётганлар орасида ҳам касаллик учраяпти. Аммо у нисбатан енгил ўтаётганини кузатяпмиз. Тўғриси, ўз оиламизда юз берган оғир жудолик туфайли, одамларнинг ҳалиям вакцинага ишончсизлигини эшитсам, кўнглимдаги армонларим яна отилиб чиқаяпти.

Мана, бир неча кундири кўнглимдан, ич-ичимдан ҳайқирик келади: эҳтимол, дадамни вакцина олишга кўндирганимда ҳозир ҳаёт бўлармиди? Нега вакцина олиш вақти келганда, ўзим биринчилардан бўлиб югуриб бордим, бу ҳақда маколалар ёздам, одамларни вакцина олишга ундадим, дадамга қолганда «вакцина олинг», дедиму қўйдим. Дадамнинг «ишларимни тугатиб олай, кейин олармиз, қизим» деган гапига индамай қўя қолдим. Нега шундай қилдим ахир?!

Кўпчилик ўлим ҳолати касаллиқни ҳаддан ортқ ўтказиб юборганда, деб ўйлар. Атрофимдагиларнинг фикрини эшитиб, шундай хулосага келаяман. Оғирлашиб қолгунга қадар, тегишли даво муолажаларини олмаслик сабабдир, менда ҳаммаси яхши, дея ўзини тинч-

лантираётгандир. Йўқ, ундай эмас экан...

Дадам бир неча кун ковиддан давола-ниб келаётган эдилар. Аммо ўзини яхши ҳис қилаётган, фақат йўталдан бошқа симптомлар йўқ эди. Ўзини одатий, биз биладиган грипп бўлгандаги ҳолатдан ҳам енгилроқ ҳис қилаётганди. Аммо шундай бўлишига қарамай, даво чоралари кўрилди. Антибиотик, қон суюлтирувчи, иштаҳа очувчи ва ҳоказо, хуллас, бугун ковид хасталигида амалга оширилаётган барча муолажалар қилинди. Шифохонадан ўзини яхши ҳис қилиб чиққач, уйга келди. Орадан бир кунгина вақт ўтди, бир кун... Бирдан нафас олишда муаммо пайдо бўлди, ҳансираш, чуқур-чуқур нафас олиш. Дарҳол кислород аппарати олиб келдик. Аммо бир неча соатдан кейин унинг ҳам фойдаси бўлмади. Тез ёрдам чақиртириб, шу заҳотиёқ даволаш ва тақсимлаш марказига олиб бордик. Нафас олиши яхшиланди, аммо аҳоли кескин оғирлашди. Уйга олиб кетишимизни сўради. Аввалига кўнмадик, аммо талаб қилдилар, қолаверса, қариндош шифокорларимиз даволашга ҳамда уйда кислород билан боғлиқ шароитни қилиб беришга рози бўлгач, "майли" дедик. Уйга олиб келгуниimizча аҳоли яна оғирлашди, 60 кубометрли баллондаги кислород бор-йўғи 3 соатга ета бошлади. Бундай кислород биз билган, бугун дори-хоналарда сотилаётган қурилмалардан фарқлироқ. Дадамнинг нафас олишига қараш азоб эди. Аммо чидам билан ётдилар, муолажаларни олдилар. Аҳолида сезиларли яхши ўзгариш пайдо бўла бошлади.



Шифокор қариндошларимиз қарийб ухламай аҳолидан бохабар бўлиб туришди. Ҳар соат, дақиқадаги аҳоли ўрганиб турилди. Қон босимидан тортиб, зарур бўлган барча қон таҳлиллари амалга оширилди. Аммо... уйда даволанаётганида орадан ўн кун ўтгач... бизни ташлаб кетди.

Буларни ёзаётганим сабаби, касаллик қутилмаганда, соатлар ичида авж олиши, ўзини яхши ҳис қилаётган бир пайтда ҳаво етмай қолиши мумкин экан. Ваҳоланки, дадам ҳали илк симптомлар, озгина йўтал бошланганданоқ муолажани олгандилар. Дадам ҳаётсевар инсон эдилар, то охиригача касаллик билан курашдилар, кучли босимдаги кислороддан нафас олишга бир неча кун чидадилар. Вакцина олганларида бундай бўлмасми-ди, дейман ҳамон ич-ичимдаги оғриқлар билан. Яқинда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини

таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киришти тўғрисида"ги қонун маъқулланганини ўқиб, бир дардим икки ҳисса ортди. Вакцина олиш мажбурийлиги эртароқ амалга ошганда, дадам вакцинана олган бўлармидилар?!

Тўғри, пушаймонлардан, изтироблардан фойда йўқ. Аммо бугун ушбу қонун имзолангач, унга қулги билан қараётганлар, ижтимоий тармоқларда «фақат бизнинг давлатда бу каби мажбурлаш бўлади», деган гапларни ёзаётганларни кўрганимда жаҳлим чиқади.

Ҳатто АҚШ, Исроил каби медицина ривожланган давлатларда ҳам вакцина олмаганлар иш тополмаган, корхона ходими вакцина олмаса, ишдан четлаштирилган бир пайтда бизнинг вакцинага шубҳа билан қарашимиз дунёқарашимиз, соғлиғимизга нечоғлиқ муносабатимиздан дарак бўлса керак.

Гулрух МҲМИНОВА.

Самарқанднинг халқаро мукофотга сазовор клиникаси

Аҳоли орасида республика шифохонаси номи билан машҳур бўлган Самарқанд давлат тиббиёт инсти-тутининг 1-клиникаси тиббиётнинг 30 дан ортқ йўналиши бўйича аҳолига хизмат кўрсатади.



Клиника таркибида 13 даволаш, 16 ёрдамчи даволаш-диагностика бўлими мавжуд бўлиб, 750 нафардан зиёд ходим фаолият юритади. Муассаса СамДТИнинг асосий ўқув-илмий ва даволаш базаси ҳисобланади, унинг бўлимлари таркибида 17 та кафедра жойлашган ва уларда 150 дан ортқ профессор-ўқитувчи талабаларга тиббиёт сирларини ўргатиш билан бир қаторда даволаш-консультатив ишларида фаол иштирок этади.

Клиникага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан беморлар мурожаат қилади. Бу ерда тиббий туризмни ривожлантириш бўлими ташкил этилгач, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Россиядан фуқароларнинг мурожаатлари ошди.

Ҳар йили клиникада 19 мингга яқин беморлар даволанади, олти мингга яқин турли мураккаб операциялар амалга оширилади.

- Даволаш ишларининг самарадорлиги тиббий муассасанинг моддий-техник базаси нечоғли мустаҳкамлигига боғлиқ, - дейди клиника бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Камол Саидмуродов. - Барча бўлимлар сўнгги русумдаги лапароскопик воситалар, сунь-

оширди. Шу билан бирга Франция, Россия, Беларусь, Украина каби мамлакатларнинг етакчи мутахассислари томонидан марказ шифокорлари учун маҳорат дарслари ва жарроҳлик йўналиши бўйича кўргазмали операциялар ўтказилди. Жанубий Кореянинг Kyung Buk университети клиникаси билан 2018 йилда меморандум имзоланган бўлиб, шу орқали тиббиёти тараққий этган мамлакатларда қўлланилаётган илғор инновацион тиббий технологиялар клиникадаги даволаш ва диагностика жараёнига жорий этилмоқда.

Дарвоқе, клиника яқинда халқаро даражадаги мукофот билан тақдирланди. Оксфорд шаҳридаги Европа бизнес ассамблеяси ҳар йили



ий нафас бериш ускуналари, УТТ ва рентген, мультиспирал компьютер томографияси билан таъминланган. 2020 йилда клиникада корона-вирус инфекциясини аниқлашга мослаштирилган махсус лаборатория ташкил этилди ва ПЗР ҳамда иммунофермент анализаторлар ўрнатилди. Натижада бир кунда 100 нафар кишида ПЗР таҳлил ва иммуноглобулинларни аниқлаш имконияти яратилди.

Клиникадаги патологик анатомия бўлими вилотимизда ўзига хос мактаб яратилган асосий марказ ҳисобланади. Бўлимда нафақат ушбу клиника, балки вилотимизнинг барча туғруқхоналари ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларидан юборилган биопсия материалларига аниқ ташхис қўйилиб, шифокорлар учун кейинги даволаш муолажасини белгилашга имкон беради.

Марказ шифокорларининг 40 нафардан ортқи Англия, Германия, Туркия, Россия каби давлатларнинг нуфузли клиникаларида малака



АИТБ «ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

барча юртдошларимиз ва мижозларини юртимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриқлайди.

Ушбу қувончли кунларда матонатли халқимизга саломатлик тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган